

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ: ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК

Давлат-ҳуқуқий фанлар ва инсон

ҳуқуқларини таъминлаш кафедраси

ўқитувчиси майор Қодирова Камола Тохиржоновна

Аннотация

Ушбу мақолада бола ҳуқуқларига оид халқаро стандартлар ва Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилиги ўртасидаги ўзаро уйғунлик таҳлил қилинган. Хусусан, бола тушунчаси, болаларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари, уларни ҳимоя қилишда давлат, жамият ва оиланинг ўрни очиқ берилган. БМТнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияси, халқаро пактлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Оила кодекси ва Фуқаролик кодекси нормалари асосида болаларнинг ҳуқуқий мақоми ёритилган. Шунингдек, етим ва ногирон болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш, ота-онанинг масъулияти, васийлик ва ҳомийлик органларининг фаолиятига алоҳида эътибор қаратилган. Мақолада бола ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмлари илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Калит сўзлар

бола ҳуқуқлари, халқаро стандартлар, БМТ Конвенцияси, миллий қонунчилик, ота-она мажбурияти, оила, васийлик ва ҳомийлик, етим болалар, бола манфаатлари, ҳуқуқий ҳимоя, оила ҳуқуқи, бола манфаатлари, ижтимоий ҳимоя, ота-она масъулияти.

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари ҳисобланадилар. Маълумки, ҳуқуқий муносабатлар субъекти деганда, қонун билан белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган шахслар тушунилади.

Давлат аҳоли бошқа табақаларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан бир қаторда, вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоялаш ва таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси қабул қилган “Болалар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциясининг 1-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 22, 27, 29-моддалари, Оила кодексининг 71-моддалари мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб айтиш жоизки, 18 ёшга тўлмаган вояга етмаган шахс бола ҳисобланади (эмансипация ҳолатлари бундан мустасно).

Бола ҳуқуқлари, уларнинг қонуний манфаатлари, аввало, 1924 йилдаги “Бола ҳуқуқлари Женева Декларацияси” ва БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1959 йил 20 ноябрда қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари Декларацияси”да кўрсатиб ўтилган ва 1948 йил 10 декабрдаги “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”да, 1966 йилдаги “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги, “Ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро пактларда, шунингдек, юқоридаги халқаро ҳужжатлар асосида 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияда мустаҳкамланган. Болалар ҳуқуқларига оид нормаларнинг расмийлаштирилишидан кўзда тутилган асосий мақсад, “Бола ҳуқуқлари Декларацияси”да кўрсатиб ўтилганидек, “Бола ақлий ва жисмоний жиҳатдан етук бўлмаганлиги сабабли махсус муҳофаза ва ғамхўрликка, шу жумладан, туғилишидан олдин ва кейин ҳам етарли даражадаги ҳуқуқий ҳимояга муҳтожлиги” ни эътиборга олиш ҳамда уни амалга оширишдир.

“Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро пактнинг 24-моддасига асосан, ҳар бир бола ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ аҳволи ёки насл-насаби (туғилиши)дан қатъи назар, ҳеч бир камситишсиз, гўдаклиги сабабли оила, жамият ва давлат томонидан муҳофаза чоралари кўрилиш ҳуқуқига эгадир. Шунингдек, ҳар бир бола туғилиши биланоқ дарҳол рўйхатдан ўтказилиши ва унга исм қўйилиши керак ҳамда ҳар бир бола фуқаролик соҳиби бўлиш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ратификация қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияга мувофиқ, ҳар бир бола туғилиши билан исмга эга бўлиш, фуқароликни олиш, ота-онасини билиш ҳамда улар томонидан ғамхўрликка олиниш ҳуқуқларига эга. Шунингдек, ҳар бир бола эркин ва дахлсиз бўлиб, оиладаги яхши шароит яратилган тақдирда ота-онаси билан бирга яшашга ҳақли. Бола ўз дунёқарашини кенгайтириш учун маълумотлар тўплаши, бошқа одамлар билан алоқада бўлиши, уюшмаларга аъзо бўлиши мумкин. Бундан ташқари, ҳар бир вояга етмаган шахс ўз шахсий, оилавий ҳаётига, ёзишмалар, телефонда сўзлашувларга аралашишлардан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Ногирон ва етим болаларга жамиятда ўз ўринларини топиб кетишлари, руҳан эзилмасликлари учун алоҳида ғамхўрлик кўрсатилиши, малакали тиббий ёрдам кўрсатилиши лозим. Бола жисмоний, ақлий, руҳий, маънавий, ижтимоий камолоти учун етарли ҳаёт даражасига эга бўлиш, билим олиш ҳуқуқига эга. Бу талабларни бажариш аввало ота-оналарга юклатилган юксак масъулиятдир.

Таълим-тарбия боланинг жисмоний, ақлий иқтидоридан келиб чиққан ҳолда, унинг онги шаклланишига, жамиятда ўз ўрнини топиб олишига хизмат қилиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, боланинг фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, дам олиш ҳуқуқи, илмий-техникавий ижод эр-

кинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи давлат томонидан кафолатланади.

Ҳар бир боланинг яшаши, камол топиши учун асосий макон оила ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 2-моддасига мувофиқ, ота-она зиммасига боланинг фаровон ҳаёт кечириши ва камолга етиши ҳақида ғамхўрлик қилиш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш вазифаси юклатилган. Оиланинг ички ҳаётига, болаларнинг тарбиясига бошқаларнинг ўзбошимчалик билан аралашишига, тарбиясига салбий таъсир ўтказишига қонун йўл қўймайди. Агар боланинг ҳуқуқлари камситилса, бундай оилага нисбатан қонун йўли билан таъсир кўрсатишга, ота-онанинг ҳуқуқларини чеклашга, хаттоки, ота-онага нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш чорасини қўллашга ҳам тўғри келади.

Болаларнинг ўз ота-оналари томонидан парвариш қилиниши, манфаатларининг таъминланиши, ўз ота-онаси билан оилада бирга яшаши, уларнинг ҳар томонлама камол топишига инсоний қадр-қимматларининг ҳурмат қилинишига, яхшилик ва меҳр-оқибат туйғулари асосида тарбияланишларига имкон беради. Болалар ҳуқуқларини камситиш, улар билан қўпол муомалада бўлиш, уларга жисмоний азоб бериш ва уларнинг манфаатларига зид бўлган бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар қонун билан тақиқланади ва тегишли жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Болалар ўз ота-оналари билан бир оилада яшашлари ва тарбияланишлари учун, аввало, ўзининг ота-онасини билиши, таниши керак. Болаларнинг ўз ота-онасини билиши тўғрисидаги қоида “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги БМТ конвенциясининг 7-моддасида назарда тутилган. Боланинг ота-онаси деганда, қонуний никоҳда турган эркак ва аёл ёки қонун билан белгиланган тартибда оталиги ёки оналиги аниқланиб, фуқаролик ҳолати далолатномаларида ота ва она сифатида қайд этилган шахслар тушунилади. Баъзи ҳолларда (масалан, бола

топилган ёки фарзандликка олинган бўлиб, бу нарса сир сақланса) бола учун ўз ота-онасини билиш ҳуқуқидан фойдаланиш имконияти бўлмаслиги ҳам мумкин.

Ҳар бир бола оилада ота-онаси ғамхўрлигидан фойдаланиш ҳуқуқига эга деганда, боланинг озиқ-овқат, даволаниш, кийим-кечак, ўқув қўлланмалари, унинг яшаши ва билим олиши учун зарур бўлган бошқа нарсалар билан таъминланиши назарда тутилади.

Ота-онанинг ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилиши ёки бошқа сабабларга кўра, ота-она тарбиясидан маҳрум бўлган вояга етмаган болаларнинг оилада тарбияланиш ҳуқуқини таъминлаш васийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига юклатилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг **77-моддаси 2-қисмида** “Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-онасининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқишни, тарбиялашни, уларнинг таълим олишини, соғлом тўлақонли ва ҳар томонлама камол топишини таъминлайди, шу мақсадда хайрия фаолиятини рағбатлантиради”, дейилган. Васийлик ва ҳомийлик органлари ота-оналари тарбиясидан маҳрум бўлган вояга етмаган болаларни фарзандликка, оилага тарбияга бериш йўли билан уларнинг оилада тарбияланиш ҳуқуқидан фойдаланишини таъминлайди.

Қомусимизнинг **78-моддасида** эса, фарзандлар ота-онасининг насл-насаби ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Болалар ҳуқуқлар, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбуриятидир.

Чунки оналик, оталик ва болалик ҳам давлат томонидан муҳофаза қилиниши асосий қомусимизда белгилаб қўйилган.

Хулоса қилиб айтганда, бола ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш ҳар қандай демократик давлатнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида болалар ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мос ҳолда миллий қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилган. БМТнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциясида белгиланган принциплар Конституция, Оила кодекси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топган.

Боланинг жисмоний, ақлий, маънавий ва ижтимоий камолоти учун, аввало, ота-онанинг масъулияти, шу билан бирга давлат ва жамиятнинг қўллаб-қувватловчи сиёсати муҳим аҳамиятга эга. Болалар ҳуқуқларини камситиш, уларга нисбатан зўравонлик ёки бепарволик қилиш қонун билан қатъий тақиқланган бўлиб, бундай ҳолатлар учун жавобгарлик белгиланган. Демак, бола ҳуқуқларини таъминлаш — фақат ҳуқуқий эмас, балки ижтимоий ва маънавий бурч ҳамдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Тошкент, 2023 йил
2. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси.
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.
4. БМТнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияси (1989 йил, 20 ноябрь).
5. “Бола ҳуқуқлари Декларацияси” (1959 йил).
6. “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”.
7. “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро пакт.
8. “Ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро пакт.